

НИКОХДАН АЖРАТИШНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ**Араббоев Шерзодбек Нейматуллаевич**

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17195373>

Фуқаролик судларида никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларнинг салмоғи юқорилигича қолмоқда. Никоҳдан ажратиш ҳақидаги аризалар кўздан кечирилса унда турли сабаблар ва важлар келтирилганки, айрим ҳолларда аризмас сабаблар ҳам бир оилани барбод бўлишига олиб келишини кўриш мумкин. Суд жараёнларида эр-хотиннинг никоҳдан ажралишга келтираётган сабаблари уларнинг субъектив қарашларига асосланиб, бунда оиладаги фарзандлар тақдири иккинчи планга ўтиб қолади. Оила азалдан эр-хотиннинг биргаликдаги муносабатларига асосланган бўлсада, баъзан ота-оналар жамиятнинг ушбу кичик ячейкасида фарзандларнинг тақдири, уларнинг тарбияси ва таъминоти, болаларнинг камолотини ўзининг мавқеидан устун қўя олмайди.

Судларга киритилаётган никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларда тарафлар турли асос ва важларни келтириб ўтадилар. Айримлари уларнинг ҳаётида содир бўлган бўлса, айрим ҳолларда ўйлаб топилган асослар бўйича ҳам ариза киритиладики, бундан кўзланган асосий мақсад оила ришталарини узиш ва оилани барбод қилишга қаратилган бўлади.

Никоҳдан ажратишнинг сабаблари сифатида оилага учинчи шахсларнинг аралашуви, эр-хотиннинг оиланинг ташвишларига бефарқлиги, ичкиликбозлик ва қиморга муккасидан кетиш, фарзандсизлик, ишончсизлик, турли касалликлар, асоссиз рашқ қилиш, иқтисодий қийинчиликлар ва моддий таъминот билан боғлиқ ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин.

Никоҳдан ажратиш жараёни биргина судга даъво ариза киритиш ва даъво аризани муҳокама қилишдан иборат бўлмай, муҳокамалар жараёнида биттагина бўлса ҳам оилани сақлаб қолишда бевосита судья ва ҳудуддаги оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияларининг ҳам бу борадаги таъсирчанлиги муҳим аҳамият касб этади.

Никоҳдан ажратиш биргина эр-хотиннинг тақдирини ҳал қилишдан иборат бўлмасдан, балки унинг оқибатлари шу оиладаги фарзандларнинг тарбияси ва тақдирига ҳам таъсир кўрсатади.

Ота-онанинг никоҳдан ажралиши болаларда психологик бузилишлар пайдо бўлишига олиб келади. Болаларнинг ота-онасига нисбатан шахсий муносабатларига зарар етказди, уларда салбий хатти-ҳаракатларнинг вужудга келтириши, стрессни кўзғатиш ва таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Ажралган оилалардаги болалар тўлиқ оилага яшовчи болаларга қараганда рухий касалликларга чалиниш эҳтимоли юқори.

Отасиз ўсган қиз ўғил-болалар билан муносабатларда турли қийинчиликларга дуч келади. Уларда ўғил болаларга нисбатан салбий муносабат шаклланиб, ўғил болаларнинг нормал ҳуқ-атвори ҳам ноўрин ҳаракатга ўхшаб қабул қилинади.

Ўзбек оилаларига хос бўлган тенденцияларга кўра, ажралган оилаларда болалар одатда оналар қарамоғида қолади. Бундай ҳолат болаларда ўзининг отасига нисбатан салбий қарашларни, отанинг масъулиятсизлиги билан боғлиқ кўнгилсиз хотираларни шакллантиради.

Ажралишдан кейин болалар ота-она ўртасида юзага келган зиддиятлар таъсири остида бўлиб, ота-оналарга нисбатан уларда айбдорлик хиссининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ажралишнинг болаларга бўлган таъсирининг яна бир салбий жихати, ажралган оиладаги болалар бошқа ўзининг тенгдошларини босимига ҳам бардош бериши керак.

Болалар айрим ҳолларда тўлиқ оилада тарбияланаётган тенгдошларининг таъна ва дашномларини қабул қилишига тўғри келади. Баъзан таъминот нуқтаи-назаридан тенгсизликни ҳис қилган болаларда ажралган ота-онани ҳар қандай ҳаракатларини қоралайдиган хиссиётларни, уларга нисбатан ғазабни вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Одатда болалар ўзларининг оилаларини қайтариб олишга ҳаракат қилади. Лекин бу кўп ҳолатларда ижобий яқун топмайди. Ота-онанинг бир-бирига бўлган салбий муносабатлари, бу борадаги болаларнинг сайи ҳаракатларини натижасиз қолдиради. Кўп ҳолларда болалар ажралган ота-она ўртасида хабарчига айланиб қолади.